



**O'ZBEKISTON
MILLIY
UNIVERSITETI**

XABARLARI

**IJTIMOY-GUMANITAR FANLAR
YO'NALISHI**

Бегжанова Дж. Тилшуносликда топишмоқларнинг лингвокультурологик тадқиқи.....	191
Бердиева Ш. Нон-фикшн как особый тип документальной литературы: характеристика, признаки	194
Daljeva M. The phenomenon of polysemy in the language and its interpretation in the context.....	197
Жумаева К. “Девони Мирзо” асарида қўлланган архаик лексик birlikларнинг лексик-семантик таҳлили	201
Жураева И. Тема молодежи в литературе США (краткий исторический очерк)	204
Зияева Ю. “Сароб” романида “Ошиқ-маъшуқа-рақиб” образи.....	208
Ибрагимов Ж. Субстанциал тилшуносликда сўзлар бирикуви масалаларининг тадқиқи.....	211
Ibragimova D. Aburauxon Beruniyning eron tilida so‘zlashuvchi xalqlar kosmoniyasiga oid ma’lumotlari.....	215
Кадилова Х. Ўзбек тилидаги эвфемизмларни рус тилига ўгириш муаммолари.....	218
Каримова Ш. Замоनावий ўзбек шеърлятида риторик мурожаат, риторик сўроқ ва риторик хитобнинг бадий вазифалари.....	222
Kodirova D. Shaxs xususiyatini ifodalovchi frazeologik birliklarning lingvomadaniy tadqiqi	224
Qosimova N., Barotova N. Ingliz tilidan rus tiliga tarjimada inversiya muammosi.....	227
Qurbonova V. Nazar Eshonqul nasrida modernistik ruhiyat.....	229
Mamatqulova T. Qadimgi davr qo‘shiqchilik san‘ati (XV asrgacha bo‘lgan mumtoz asarlar misolida)	232
Магдиев А. Инглиз тилидаги равишларнинг айрим хусусиятлари хусусида.....	236
Махмудова З. Tilshunoslikda lug‘atlarning ahamiyati.....	240
Мирханова Г. Синоним сўзлар ўқув луғатида луғат мақола тузилиши	243
Назарова Г., Сайдуллаева М., Махмудова З. The role of borrowed words in the development of english.....	246
Norbekova M. Korpus elektron shaklda saqlanadigan til birliklari majmui sifatida	249
Олимова Г. “Ошиқнома” туркумидаги достонларда ғазалнавислик анъаналари.....	252
Ochilova D., Qosimova N. Translation of political terms in internet media discourse.....	256
Rahmonqulov O‘. O‘xshashlik nazariyasining so‘z turkumlaridagi mavqeyi.....	259
Rahmatova Y. Sintaktik sathda modusning ifodalanishi	262
Салоева Х. Юриспруденция йўналишидаги илмий журналларда chop этилган мақолалар жанри ва композицияси таҳлили	265
Sarimsakova Sh. Expressing politeness in english and uzbek communication.....	269
Sulaymanov Z. XIV asr o‘zbek adabiyotida yaratilgan agiografik asarlarning til xususiyatlari (“Nahj ul-farodis” asari misolida).....	272
Ташпулатова Ш. Инглиз-ўзбек ҳамда ўзбек-инглиз тили таржима луғатларида рухий ҳолат феълларининг берилиши.....	275
Tojiboev I. Kontsept, konseptual semantika va verbalizator atamalarining tadqiqi xususida	279
Toshova X. Oq rang bilan bog‘liq leksik birliklarning lingvokulturologik talqini.....	282
To‘rayeva D. Anonim yozishmalarda hududga aloqador til birliklarning lingvistik tahlili	285
Turaeva Z. Problems of translating Navoi's ghazals into english.....	288
Турдалев Д. Аксиологические модусы как компоненты русских былин и узбекского дастана “Алпамыш”	291
Tuxtaeva S. Nutqiy buzilishlarning til sathlarida namoyon bo‘lishi.....	295
Haitqulov Z. Tarjimoni avtomatlashtirishning nazariy va amaliy konsepsiyasi	298
Xalikova D. Til birliklari tizimida ikkilamchi nominativ birliklarning roli	302
Yuldasheva O. O‘zbek tilida urf-odat asosida shakllangan maqollar	305



УДК: 801,8 (82-1)

*Шахнозахон КАРИМОВА,
БухДУ Факультетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси*

БухДУ доценти, ф.ф.ф.д.(PhD) М.Б.Ахмедова тақризи асосида

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА РИТОРИК МУРОЖААТ, РИТОРИК СЎРОҚ ВА РИТОРИК ХИТОБНИНГ БАДИИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Аннотация

Маълумки, шеъриятда риторик муурожаат, риторик сўроқ ва риторик хитобнинг сингари поэтик фигуралар кенг қўлланилади. Жумладан, мазкур поэтик синтаксис унсурлари шеърда муайян маъноларни ифодалашга хизмат қилади, бадиий нутққа лирик бўёқ беради, унинг таъсирчанлигини оширади. Мақолада Абдулла Орипов, Асқар Маҳкам, Сироджиддин Саййид сингари шоирлар шеърлари мисолида мазкур поэтик синтаксис унсурларининг бадиий вазифалари очиб берилган.

Калит сўзлар: Поэтик синтаксис, риторик муурожаат, риторик сўроқ, риторик хитоб, шеърият, лирик қаҳрамон, кечинма.

ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ ФУНКЦИИ РИТОРИЧЕСКОГО ОБРАЩЕНИЯ, РИТОРИЧЕСКОГО ВОПРОСА И РИТОРИЧЕСКОЙ РЕЧИ В СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ

Аннотация

Хорошо известно, что в поэзии широко используются такие поэтические фигуры, как риторическое обращение, риторический вопрос и риторическое восклицание. В частности, эти элементы поэтического синтаксиса служат для выражения определенных смыслов в стихотворении, придают лирическую окраску художественной речи, повышают ее действенность. В статье раскрываются художественные функции данных элементов поэтического синтаксиса на примере стихотворений таких поэтов, как Абдулла Орипов, Асқар Маҳкам, Сироджиддин Саййид.

Ключевые слова: Поэтический синтаксис, риторическое обращение, риторический вопрос, риторическое обращение, поэзия, лирический персонаж, опыт.

ARTISTIC FUNCTIONS OF RHETORICAL ADDRESS, RHETORICAL QUESTION AND RHETORICAL SPEECH IN MODERN UZBEK POETRY

Abstract

It is known that poetic figures such as rhetorical appeal, rhetorical question and rhetorical exclamation are widely used in poetry. In particular, these elements of poetic syntax serve to express certain meanings in the poem, give lyrical color to artistic speech, increase its effectiveness. The article reveals the artistic functions of these poetic syntax elements on the example of the poems of such poets as Abdulla Oripov, Askar Mahkam, and Sirojiddin Sayyid.

Keywords: Poetic syntax, rhetorical appeal, rhetorical question, rhetorical exclamation, poetry, lyrical character, experience.

Кириш. Иждорк хаёлоти дунё қадар чексиздир. Унда турфа чигалликлар ҳал қилиниб, турфа муаммолар жавоби топилади. Иждорк шахс, авваламбор, ўзинини ва дунёни англашга ҳаракат қилаётган инсондир. Илҳом йўлидаги мусофир турли ҳолатларга дуч келади. Баъзан сахрога йўли тупса, баъзан хаёл денгизларида гарқ бўлади. Бу дамларда тафаккур ўз хожасига минглаб сўроқлар беради. Бу сўроқлар эса дунё шаклини чизаётганга ўхшайди гўё. Шеърининг ҳиссиётга лиммолим қадаҳидан симирган шоирда гоҳ дунёга исённинг сабаби, гоҳ итоатнинг даражасини “дод” дегувчи сатрлардан англаймиз. Шеърга жойланган шоир жазбасини ўқувчи англаши учун энг яхши тасвирий воаситалардан бири бу Риторик муурожаатдир. Риторик муурожаат билан китобхон бевосита шоир билан суҳбатга киришади. У монологик нутқнинг таъсирли кўринишларидан бири. Риторик муурожаатда гоҳ талабига мос равишда лирик қаҳрамоннинг қувончи, газаб, нафрати, кесатиклари, буйруқ еки ҳайратлари акс эттирилади. Берилган сўроқ орқали фикр равшанлаштирилиб, эстетик таъсирдорлик ошади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Риторик сўроқнинг асосий белгилари қуйидагилар:

1. Сўров маъноси англашилиб туради ва жавоби ҳам ўзида акс этади.

2. Лирик қаҳрамоннинг нафақат ўзи, балки, бошқаларга ҳам муурожаати шаклида янграйди.

3. Ундалмага олинган образ (персонаж бўлиши ҳам мумкин) асарнинг бош қаҳрамони даражасида бўлади.

4. Риторик муурожаат қўлланган шеърини сатрларда, кўпинча, у билан бирга муболага бадиий санъати ҳам ёнма-ён қўлланади.

5. Риторик муурожаатлар кўпроқ монологик нутқларда учрайди.

Юқоридаги белгилар орқали риторик муурожаатларни оддий ундалмалардан фарқлаш лозим. Масалан, Асқар Маҳкамнинг кульминацион нукталарга бой “Ишқ” достонидаги ундалмалар эътиборли:

Ибтидо ва иқтидо

Сен менга жазо бергил, ошқора сазо бергил,

Кўйида адо бергил, эй Ишқ – балойи жон!

Қисматки азал шулдир, ёндир, мени куйдиргил,

Дардимга даво бергил, эй Ишқ – балойи жон!

Гар йўқману пайдоман, йўқсилману доромон,

Созимга садо бергил, эй Ишқ – балойи жон! [1,3]

Ишқ ундалмаси орқали буйруқ маъноси акс этади, аммо ундан лирик қаҳрамоннинг сўраш оҳангини тополмаймиз.

(Эй дил менга оғир қилдинг – диллик қилдинг

Эй дил мени сағир қиб бедиллик қилдинг

Эй дил нима сўрдинг бердим

бердим тамом

Эй дил охир кимга бандачилик қилдинг [1] ?

Юқоридаги мисраларда “эй дил” га мурожаат қилинганини кўрамиз. Шоир “эй дил, охир кимга бандилик қилдинг?” саволини ўзига бермоқда, аслида, жавоб аниқ. Бу билан ДИЛнинг Оллоҳники эканлигини уқтирмакчи. Ҳеч кимга банди бўлмаган, бўйин эгмаган дил барибир Оллоҳникидир. Рауф Парфининг: “Ҳаммасини тушуниб, англаб турадиган инсонга қийин”, қабилдаги сўзлари бор эди. “Диллик” бўлиш ана шундай манаққатлардан биридир. Солиҳликни бўйнига олган шоир Аскар Маҳкам шеърятда инсоннинг ич-ичига назар таппаш бор. Барча нарсанинг манзили ҳам, кушандаси ҳам инсоннинг дили. Оллоҳдан сўраймиз, деймиз Оллоҳ берган кўнгили воситасисиз унга етиб бўлмайди. “Ишқ” достонининг куйидаги мисраларида лирик қаҳрамоннинг Оллоҳга мурожаатига гувоҳ бўламиз:

Ё Рабб!

Бу кўзларнинг садолари ёрилганда ким туғилди
ким бўғилди кимлар ўлди пушганинг сўлу соғида
Мозор... Пушта... Гадо... Ёлғиз гадо...

Ё Рабб![1]

“Ишқ” достонида Оллоҳга лирик қаҳрамоннинг мурожаатини кўп учратамиз. Чин банд абўлиш, ўзликни англаш йўлидаги муножотлар покиза кўнгилга ойна тутади. Ўзини ўзи сўроққа тутиш ҳолатини куйидаги мисраларда кўришимиз мумкин:

Эй Жон бу вужуд ичра на қилдинг

Эй Жон бу лаҳм ичра йиқилдинг

Эй Жон адашиб қайга боросан

Эй Жон тўкилиб сенки тўкилдинг

Эй Жон менга раҳм айлама зинҳор

Эй Жон неча жон-жондин сўкилдинг

Эй Жон сени «ширин» деди ошпик

Эй Жон сен унга захр ила кулдинг

Эй Жон бу вужуд маҳбаси ичра

Эй Жон танага маҳлиё бўлдинг

Эй Жон чиқаринг билмайин охир

Эй Жон гаҳи каззобга юкилдинг

Эй Жон мени ўткинчида не айб

Эй Жон яна сен менга ўкилдинг

Эй Жон бу вужуд ичра на қилдинг

Келдинг – кетасан айт нима қилдинг...[1].

Жон образи лирик қаҳрамоннинг жонсиз сўхбатдошига айланган. Қаҳрамон умри давомидаги барча гуноҳларни “жоннинг” елкасига юкламоқда. Гўёки нафс ишининг бир учи “жон”га боғлиқдир.

Тадқиқот методологияси. Абдулла Ориповнинг куйидаги машҳур шеъри бошдан оёқ риторик сўроқлардан иборат. Инсон яралибдики, қисматнинг сирини англашга интилади. “қандай чидай олган экан одамзод” мисраларида ҳам Оллоҳга мурожаат акс этади. Бунинг жавоби эса Оллоҳ тақдир қилганига кўникиб яшаш буюрилгани сабабдир:

Эшилиб, тўлганиб ингранади куй,

Асрлар ғамини сўйлар «Муножот».

Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига

Қандай чидай олган экан одамзод [2] !

Абдулла Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” шеърида Ватанга муҳаббатнинг сабаби дилдан изланади. Зеро ҳақиқий севги дилда яралади. Тақидланган ҳар бир сўроққа ўқувчи “мен” деб жавоб бергиси келади. Шеърнинг жўшқинлигини таъминлаган бу мисралар ҳиссиётни ҳам алангалатиб юборади:

Мен нечун севаман Ўзбекистонни

Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.

Нечун Ватан дея еру осмонни,

Муқаддас атайман, атайман танҳо.

Аслида, дунёда танҳо нима бор,

Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?

Ёки қуёшим севгимга сабаб?

Ахир қуёшли-ку бутун Осиё.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни?

Боғларин жаннат деб кўз-кўз этаман,

Нечун ардоқларкан тупроғини мен

Ўпаман: «Тупроғинг бебаҳо, Ватан...»[2,6]

Ватандан узокдаги кишининг бағрига қуёш ҳеч қачон ўз Ватанидагидек тўлмайди, мевасида боли бўлса ҳам Юрт боғидаги нордон мевачилик бўлолмайди, токи ўзи яратилган ватан тупроғига қайтмас экан, дили Ватани тупроғи хидини кўмсайверади.

Таҳлил ва натижалар. Риторик сўроқлар шеърятда мумтоз адабиёт наъмуналари бебаб турган тажохули ориф (билиб туриб билмасликка олиш) санъатига ўхшаб кетади. Бу бадий санъат орқали айниқса газал жанри янада гўзаллашган десак, муболага бўлмайди.

Куйидаги мисраларимизда ҳам муҳаббат образи гул рамзи орқали гавдаланади. Бу гул ошпикка гоҳ қордай мусаффо ҳисларни ҳада этса, гоҳ қондай азобни рўбарў қилади:

Бу қандай гул? Бу қандай гул?

Гаҳи қор, гоҳи қондай гул[3].

Абдулла Ориповнинг куйидаги фалсафий шеърида ҳам кадр топмаган фарзандлар кадри “Буюк Шарқдан” исён ила сўралмоқда:

Аллома

Ушқоқина одамман, жуссам отамдан ҳада,

Лекин майда ҳисларни ёқтирмас асло жиним.

О, буюк Шарқ, буюк Шарқ, сенинг шавкатинг дея

Не буюк фарзандларинг заҳмат чеккан бетиним.

Қайда улар? Қайси бир пучмоқларда бенишон...

Афсуски, ўз кадрини билмас доим одамзод

Бу қун Абу Райҳонга таъзимда экан жаҳон

Бу – буюк бобомизга замонадан бир имдод[4].

Хулоса ва тақлифлар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, риторик мурожаатлар орқали ижодкор ўз англаган ҳақиқатларини жамиятдан бемалол сўраш имкониятига эга бўлади. Шу тариқа ўқувчи ҳам бу саволларни ўз-ўзига бера бошлайди. Бу бадий воситанинг яна бир устунлик тарафи таъсирдорликни оширибгина қолмай ҳар кишини дилига бир назар таппашга мажбур қилади ва шунда адабиётнинг тарбиявийлик вазифаси ҳам рўёбга чиқади.

АДАБИЁТЛАР

1. Маҳкам А. Ишқ. Шеъринг парча. -Т.:Чўлпон, 1993.
2. Орипов А. Митти юлдуз. Шеърлар. -Т.: Маънавият, 2002.
3. Саидов С. Уйингдаги бешиқлар. Шеърлар. -Т.: Ёзувчи нашриёти, 1996. – Б.16.
4. Орипов А. Ҳайрат. Шеърлар. -Т.:Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. –Б.60
5. Karimova Sh.K. Anaphora as an essential type of poetic figures. European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS) Available Online at: <https://www.scholarzest.com> Vol. 2 No. 3, March 2021, ISSN: 2660-5570. Page.67-68.
6. Karimova Sh. About poetic syntax. Comparative Literary Studies: past, present, prospects. Collection of articles of the Republican scientific and practical conference.- Pharaoh-King Publishing House, Tashkent-2020. P-251.
7. Karimova Sh.K. The Artistic Use of Epiphora in Modern Uzbek Poetry. International Journal of Integrated Education. – Indonesia, Volume 5, Issue 5, May 2022, DOI: <https://doi.org/10.31149/ijie.v5i4> ISSN: 2620-3502, – P. 153-157 (Impact factor 7,242)